



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Баҳоси келишилган нархда

№ 9 (14,164) 2024 ЙИЛ 7 МАРТ, ПАЙШАНБА

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



@toshkand.uz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz



## АЁЛГА БАХТ БЕРИНГ...

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,  
Деманг юрибди-ку кулиб, жилмайиб.  
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,  
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,  
Гар кўзлари кулиб турса-да.  
Бўззининг остида неча минг ҳасрат,  
Ой юзлари кулиб турса-да.

Кўнглини кўтаринг ҳеч бўлмаганда,  
Кўлини силашга шарофат топинг.  
Йиғлаб турганида ҳеч бўлмаганда,  
Ёшини артишга мурувват топинг.

Ногоҳ ерга туиса оппоқ рўмоли,  
Босиб ўтмасликка шафоат топинг.  
Чақалоқ ялаган этакларини,  
Тоза деб айтишига адолат топинг.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,  
Деманг юрибди-ку кулиб, жилмайиб.  
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,  
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.


Аёлга бахт беринг, саодат беринг.  
Иллоҳи нур топинг, ҳидоят топинг.  
Иллоҳи бахт берган аёл ёнидан,  
Бахтиёр ўтмоққа иноят топинг.

Иллоҳи қалқонсиз, иллоҳ қўрғонсиз,  
Ғийбатлар йиртмасин кўйлақкинасин.  
Иллоҳи ҳушёрсиз, иллоҳ бедорсиз.  
Итлар тишламасин юраккинасин.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,  
Тоз қимирлаб, тошлар сўзга кирса-да.  
Аёлга бахт беринг, саодат беринг,  
Олтмишга кирса-да, юзга кирса-да.

Зулфия МЎМИНОВА

## АНОНС



**ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚ  
МАНФААТЛАРИНИ  
ТАЪМИНЛАШ – МУҲИМ  
УСТУВОР ВАЗИФА**



**Наргиза АРСЛОНОВА:  
“КАСБИМДАН УЯЛАР ЭДИМ...”**



**АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ  
ҚОНУН ҲИМОЯСИДА**



# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФА

Мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда жамиятда инсон қадр ва манфаатларини таъминлаш борасида қатор ислохотларни амалга ошириб келмоқда.

Жамиятнинг яхлит ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлигининг оширилиши эркаклар билан хотин-қизларнинг тўлиқ ва тенг иштирок этиши учун тенг имкониятларни тақозо этади. Аёллар томонидан ўз инсон ҳуқуқларини тўла ва тенг амалга оширишлари мамлакатда тинчликни мустаҳкамлаш ва демократия учун энг муҳим аҳамиятга эга. Айниқса ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Аёлларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнати, айниқса фарзандлар тарбияси, оила ҳаётидаги улкан хизматларини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Айни вақтда давлатимиз раҳбари томонидан хотин-қизларга яратиб берилган имконият ва шароитлар туфайли аёлларимиз давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг мавқеи тобора ошиб бормоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсати хотин-қизларимизга чинакам бахтли яшашлари учун уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбирлари билан айтганда, “Аёлларимизнинг бахти – халқимиз, жамиятимизнинг бахтидир”.

Мамлакатимиз хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглиги борасидаги халқаро талабларни бажариб келмоқда. Хусусан, 1995 йил 6 майда “Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги, 1997 йил 30 августда “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги, шунингдек, “Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида”ги Конвенцияларни ратификация қилган.

Қолаверса, 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-158-сонли Фармони билан 100 та мақсадни ўз ичига олган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тасдиқланди. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенглигини таъминлаш, мазкур ҳужжатда 25-мақсад қилиб белгиланди. Бу борада, гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали бошқарув лавозимларидаги хотин-қизлар улушини 30 фоизга ошириш, жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, «Аёллар дафтари» билан манзилли ишлашнинг шаффоф механизмини яратиш, мазкур ишлар бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби вазифалар аниқлаб олинди.

Барқарор ривожланиш соҳасидаги 5-мақсад ҳисобланмиш, гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга эришиш борасида Ўзбекистонда гендер тенглигига эришишнинг халқаро кўрсаткичлари ва талаблари доирасида кенг қўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, жамиятда гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизларнинг эҳтиёжларини рўёбга чиқариш, имкониятларини кенгайтириш, муаммоларини ҳал этиш, ижтимоийлашувини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифалари қаторидан ўрин эгаллаган.

Хусусан, давлат ва жамият ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилиш жараёнида хотин-қизларнинг иштироки сезиларли даражада ортган. Давлат ҳокимиятининг олий органларида, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 33 фоизи, Сенат аъзолари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатларининг 25 фоизи хотин-қизлар эканини таъкидлаш лозим. Ушбу кўрсаткичлар орқали Парламентларо иттифоқ томонидан юритиладиган “Сиёсатдаги аёллар” жаҳон рейтингининг “Парламентдаги аёллар” қисмида Ўзбекистон 130-ўриндан 45-ўринга кўтарилди. Шунингдек, шаҳар, туман ҳокими, вазир, элчи каби масъулиятли лавозимларга аёлларнинг тайинланаётганлиги, уларга бўлган ишончининг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Хотин-қизларнинг тадбиркорлик соҳасидаги улуши 37 фоизга, сиёсий партияларда 47 фоизга етди. Юртимизда меҳнат фаолиятини олиб бораётган аёлларнинг улуши тиббиётда – 77 фоизни, таълим соҳасида – 74 фоизни, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида 46 фоизни ташкил этмоқда. 2 минг нафарга яқин хотин-қизлар давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда.

Бу борада хотин-қизлар ижтимоий сиёсий фаоллиги қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатганлар билан бир қаторда, фарзандларини баркамол этиб тарбиялаб, вояга етказган аёлларга (жумладан, уй бекаларига) ҳам бериладиган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди. Ўтган давр мобайнида 1000 дан ортиқ фаол аёллар ушбу кўкрак нишони билан тақдирланди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотини 2019 йилдан бошлаб ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафар талабгорларга берилиши, мукофот лауреатлари бўлганларга бакалаврият ва магистратурага тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилиниши белгиланди.

Юртимизда хотин-қизларни илм-фан соҳасига жалб қилиш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Шу туфайли Республика хотин-қизлари илм-фан тараққиётининг барча соҳалари ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бугунги кунда республикада 5 нафар академик, 700 дан зиёд фан доктори даражасига эга бўлган оlima аёллар фан тармоқларининг турли соҳаларида илмий фаолият олиб бормоқдалар.

Гендер тенгликни таъминлашнинг институционал тузилмалари ташкил этилди. Парламент юқори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари

қўмитаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгашлари, Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этилди. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва барча вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари йўлга қўйилди.

Гендер тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, унинг асосий стратегияси ишлаб чиқилди. Янги таҳрирдаги Конституцияда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш масаласи эътибор марказида бўлди. Унга кўра, янги таҳрирдаги комсомизмининг 42-моддасида ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши белгиланган бўлса, 58-моддасида эса, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди, деб белгиланди.

Қолаверса, юртимизда аёллар ҳуқуқлари ҳимоясини тубдан кучайтириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир 40 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси амалга ошириб келинмоқда.

Хотин-қизларга қарши қаратилган тазйиқ ва зўравонлик борасида жавобгарлик механизмлари кучайтирилди. 2023 йил 11 апрель кuni қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сонли Қонунни қабул қилиниши ҳам бу борада қилинаётган яна бир муҳим қадам бўлди. Қабул қилинган қонун билан Ўзбекистон Республикаси қонунларида хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳада ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга оширишида қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни назарда тутувчи, шунингдек, болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўювчи ўзгартишлар киритилди. Хусусан, оилавий (маиший) зўравонлик учун жавобгарлик учун шахнинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик белгиланди. Қонун билан 30 кунгача узайтириш мумкин ҳисобланган ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини 1 йилгача муддатга жиноят ишлари бўйича суд томонидан узайтириш имконияти яратилди.

Гендер тенглиги борасидаги халқаро муносабатларга ва Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш борасидаги масалаларга катта эътибор бериб келинмоқда. Илк бор Марказий Осиё давлатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ташкил этилди. Гендер масалалари юзасидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари орасида юритаётган илғор сиёсати натижасида 2021 йилда биринчи бўлиб мулоқотга Ўзбекистон раислик қилди. 2022 йил Тошкент шаҳрида Парламентларо иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг навбатдаги 14-саммити ўтказилди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини ошириш, раҳбар аёллар сафини янада кенгайтириш, уларнинг етакчилик қўнималарини ривожлантириш ҳамда ёш қизларни раҳбарликка тайёрлаш, гендер тенглик муаммоларини бартараф этиш учун хизмат қилишга қаратилган республика бўйича турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи фаол аёлларни бирлаштириш мақсадида Ўзбекистон етакчи аёллар мулоқоти платформаси ташкил этилди.

Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” индексида Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган давлатлар қаторига киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони асосан Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” индекси Ўзбекистон Республикаси устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар рўйхатига киритилди ва унга масъул давлат органи этиб Оила ва хотин-қизлар қўмитаси белгиланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Янги Ўзбекистонда, яъни инсон ҳуқуқлари кафолатлари таъминланган демократик ва фуқаролик жамиятида ижтимоий-сиёсий фаол аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштироки муҳим. Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳамжамият томонидан мазкур йўналишдаги ишларни олиб борилаётганлигини қўллаб-қувватланиши, Ўзбекистонни дунёга янада халқчил, демократик давлат сифатида тан олинишига имкон яратади. Мазкур иштирокни кўпчилик бўлиб таъминлаш эса барчамизнинг зиммамиздаги вазифамиздир. Шу боис, жамиятда хотин-қиз ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни яратишда илмий асосланган ғоялар, такомиллашган қонунлар ҳамда самарали амалий чора-тадбирлар билан ишларни давом эттириш ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

**Хуршида САЙДИВАЛИЕВА,**  
“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, юридик  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)





# Наргиза АРСЛОНОВА:

## “КАСБИМДАН УЯЛАР ЭДИМ...”



Инсон ҳаётидаги муҳим ва қийин жараёнлардан бири бу – касб танлаш. Сабаби у нафақат даромад топишнинг манбаи балки, умрининг асосий қисми сарфланган фаолият ҳамдир. Бироқ қўллаб ҳолатларда фарзанд онаси ёки отасининг хоҳишига қараб касб танлайди. Фарзанднинг ўзига давом эттирмоқчи бўлса яхши, аммо бунга уни мажбурлаш нотўғри. Отанинг шу касбда ўз бахти ва муваффақиятини топгани фарзандида ҳам худди шу сценарий такрорланади, дегани эмас. Бугунги қаҳрамонимизда эса бунинг акси бўлган. У касбни ўзи эмас, касб уни танлаган.

Бугун аёлларнинг автомобиль бошқараётгани ҳеч кимни ҳайратлантормайди. Ҳатто “Дамас” ҳайдаб, одам ташиётган ва ҳаттоки юк машинаси ҳайдаётган аёлларни ҳам кўп учратамиз. Аммо кран бошқараётган аёлларничи? Айтиш жоизки, бугун аёлларимиз ҳатто айрим эркаларнинг юраги дов бермайдиган касбларда ҳам қўрқмай ишлашмоқда. Бизнинг қаҳрамонимиз Наргиза Арслонова ҳам ана шундай матонатли аёллардан.

### – Кранчи бўлиш истаги сизда қердан пайдо бўлган?

– Мен ҳозирги кунда минорали кранда ишлаётган бўлсам ҳам, асл соҳам дастурчилик эди. Бироқ ҳозир умуман бошқа соҳа мутахассисиман. Ёшлигимда шифокор бўлишга қизиқардим. Кейинчалик бу касб қўлимдан келмас эканлигини тушуниб етдим. Яна ҳам тўлиқроқ айтадиган бўлсам, ҳаётнинг ўзи мени маълум бир касбга йўналтирди. Очқочасига айтаман, ўзим танлаган касбда ишлаб олмадим. Ҳозирги касбимга кириб келишим ҳам жуда оғир бўлган. Мактаб, лицейни битириб, олий таълим муассасасига топширдим ва кира олмадим. Ўзимни турли соҳаларда синаб кўрдим. Икки ой уйда ўтирган вақтимда онам, “Иссиқлик электр станцияси”дан иш гаплашиб бердилар ва мен у ерда 2 йил ишладим. Кейин мени кран бўйича ўқишга юборишди. Анчагина малакамни ошириб қайтдим ва ҳаёллар оғушида қолдим. Ҳаётдан қўрқини бошладим. “Қандай турмуш қураман?”, “Келажагим нима бўлади?”, деган саволлар миямда айланарди. Келган совчилар касбимни сўрашса “кранчи” десалар устимдан кулишарди. Кўпинча касбимни айтишга уялар эдим.

Умуман кран машинисти ёки оддий айтганда кранчилик — юқори малака ва тажрибани талаб қиладиган касб. Мураккаб ва қимматбаҳо техникани махсус билим ва касбий лаёқатга эга бўлмай туриб эксплуатация қилиш мумкин эмас. Машинанинг ҳажмини ва ўқ узунлигини “ҳис этиш” атрофдаги кенгликни мўлжалга ола билиш лозим бўлади. Энг муҳими эса — техника хавфсизлигига қатъий риоя этиш шарт, чунки оғир юкларни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш доимо муайян хавф эҳтимоли билан боғлиқ бўлади. Кранни ишга туширишдан олдин унинг электр қисмлари ва ҳимоя хавфсизлигини текшириш лозим. Бу катта масъулият.

Вақтлар ўтиб, “Toshkent City”нинг қурилиш жараёнлари бошланиб қолди. Омадимни синаш учун бордим ва ўзимни синаб кўрдим. Менга кран 120 метр баландликда бўлишини айтиб, “қўрқмайсизми?” дея сўрашди. Бу иш менга жуда ёқиб қолгани учун ҳамма қўрқувларимни енгиллашга ҳаракат қилдим. Бошида қўрқув кучли бўлди, анча қийналдим. Юкларим уйнаб кетар эди. Биласиз баландликда мувозанатни ушлаш қийинроқ. Бироқ ҳаракатдан тўхтамадим. Ҳар кун устимдан шикоят қилишарди, “ишлай олмаяпти” деб. Шундай бўлса ҳам умидимни узмадим. Бошлигимга шароитимни тушунтирдим. Оиламизда битта қизман. Акам вафот этганига ҳам 10 йилдан ошди. Аста-секинлик билан ўрганиб олдим. Краним 125 метргача кўтарилди. Бу ўзим хоҳлаган ва орзу қилган натижа эди. Шунингдек, ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчилиги бор, шунга яраша гашти ҳам бор. Айниқса, совуқда кран музлаб қолиши мумкин. Сирпанчиқ бўлади. Ёзда бўлса

иссиқ. Буларнинг ҳаммасини ҳақиқий ҳаёт, деса бўлади. Ҳозирги вақтда “Hilton” меҳмонхонасининг қурилиш жараёнини жуда соғинаман. Сабаби унинг қурилиш жараёнида бахтли кунларим кўп бўлган. Шу вақтгача камида 10 та бинони қуриб битирганман. Фаолиятим давомида шуни тушуниб етганманки, доимо ўзига ишониш керак. Бу эса менинг асосий қуролларимдан бири десам, адашмаган бўламан. Ўйлайманки, мана шу ишонч ва қатъиятлимим тўғрисида бугун ўзим хоҳлаган йўлда юрибман.

### – Оғир машиналарни баландликда бошқариш техникаси қандай?

– Оғир машиналарни баландликда бошқариш техник тажриба, ақлий эътибор ва хавфсизликка риоя қилишни талаб қилади. Биринчидан, мен хотиржам фикрни сақлашга ва ўз олдимга қўйилган вазифага эътибор қаратишга катта аҳамият қаратаман. Бу ҳар бир операция олдида пухта тайёргарлик кўриш, барча хавфсизлик текширувлари мавжудлигини таъминлаш ва атрофимдан доимо хабардор бўлишни ўз ичига олади. Бундан ташқари, мен энг сўнгги хавфсизлик қоидалари ва баландликда ишлаш ва оғир машиналарни бошқариш бўйича яхши тажрибага эгаман. Шунингдек, мен ўз жамоа аъзоларим билан самарали алоқада бўлишга ва ердаги ходимлар ва бошқа операторлар билан аниқ алоқа йўналишларини сақлашга ҳаракат қиламан. Бу лойиҳада иштирок этаётган ҳар бир киши потенциал хавф-хатарлардан хабардор бўлишга ва хавфсиз иш муҳитини яратишга ҳисса қўшишга ёрдам беради. Масъулият жиҳати нуктаи назаридан, мен ишлайдиган усқунанинг имкониятлари ва чекловларини тушунишга катта эътибор бераман ва доимо белгиланган хавфсизлик тартиб-қоидалари ва кўрсатмаларига риоя қиламан. Усқунани мунтазам равишда таъмирлаш ва текшириш ҳам носозликлар хавфини камайтириш учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, мен баландликда оғир машиналарни ишлатиш талабларини енгиллаш учун жисмонан соғлом ва ақлий жиҳатдан чидамлиман. Бу ишдан ташқарида, етарли даражада дам олиш, сувсизланиш ва стрессни енгиллаштирадиган машғулотлар билан шуғулланишни ўз ичига олади. Умуман олганда, баландликда оғир машиналарни ишлатишдаги стресс ва масъулиятни бошқариш техник билим, ақлий эътибор ва хавфсизликка кучли содиқликни талаб қилади. Ушбу амалиётлар орқали мен ўзим ва атрофимдагилар учун хавфсиз ва самарали иш муҳитини сақлашга интиламан.

### – Келгусидаги орзуларингизга тўхталсангиз...

– Келажақдаги орзуларимдан бири шахсий краним бўлишини хоҳлайман, иккинчиси эса Юлдуз Усмонова билан баландликда қўшиқ куйлаш. Балки бу сизга эриш туюлар, бироқ кунини баландликда ўтказадиган инсон учун нормал ҳолат.

### – Эришган ютуқларингиз...

– Аввало, шу пайтгача эришган ютуғимнинг энг асосийси ота-онамга раҳмат эшиттирганим, деб ҳисоблайман. Чунки бу ёруғ оламда менинг борлигимга ва инсонлар орасида ўзимга яраша ўрним бўлишига улар сабабчи. Бундан ташқари, 2019 йили 8 март - Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан давлатимиз раҳбари мени “Меҳнат шўхрати” ордени билан тақдирладилар. “Ўзбегим аёли” номинациясини олдим. “Бунёдкор аёл” дипломим ҳам бор. Шунингдек, халққа танилганим ҳам мен учун катта ютуқ.

### – Касбингизга қизиқувчи қизларга нима маслаҳат берган бўлардингиз?

– Бу соҳа жуда катта меҳнат, кучли ирода ва вақтни талаб қилади. Эркалар билан ишлашнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Ишда ҳар хил вазият бўлади. Муҳими шундаки, нима бўлса ҳам ўзи севган, мароқ билан ишлайдиган касбни танлашсин. Шунда ишдаги қийинчиликлар ҳам кўзга кўринмайди.

Дилнура МАМАСАФОЕВА суҳбатлашди





Санъатнинг ёрқин вакиласи, ўзининг кулиши билан барча томошабинларнинг қалбидан жой олган самимий ва кучли актриса Зухра Солиева.

– Сизни актёрлик ва ижро оламига ким ёки нима жалб қилган?

– Ассалому алайкум! Барчага маълум мен бир неча йиллардан буён санъат соҳасидаман. Бу соҳага қизиқшим ёшлигимдан бошланган. Холам Саида Раметовага ҳавас қилардим. Улар ўқиган вақтлари бизникига келар эдилар. Ўша вақтлар менда катта қизиқиш уйғонган эди. Шунда уларни кузатиб, мен ҳам актриса бўламан дердим ва ниятимга эришиш учун ҳаракатдан тўхтамадим. Бир қанча устозлар қўлида таҳсил олдим. Йиллар давомида ўз тажрибамни ошириш учун ҳаракат қилдим, тўхтаб қолмадим. Санъат майдони катта. Унда кураша олганларгина ютуққа эриша олади, охиригача бора олади. Агарда умидини сўндириб бу йўлдан қайтишса, кейинчалик афсусланиши мумкин.

– Ўзингиз бошдан кечирган, эсда қоларли кастингдаги тажрибангиз ҳақида гапириб бера оласизми?

– Кастингларга деярли бормаганман. Бу билан умуман бормаганман демоқчимасман. 1 ёки 2 марта борганман. Шунда ҳам ким олиниши аниқ бўлган. Бу шунчаки кўзбўямачилик учун ўтказилган.

– Қайси турдаги ролларни тасвирлаш энг қийин ёки ҳаяжонли деб ҳисоблайсиз?

– Мен учун ҳеч қайси турдаги ролларни ўйнаш қийинчилик туғдирмайди. Чунки менинг устозларим жуда ҳам тажрибали. Улардан билим олиб, ҳеч қачон аросатда қолмаганман. Яъни, ижро этишда қийналмаганман.

– Актрисалик оламидаги энг таъсирланган ролингиз қайси?

– Актрисалик оламидаги энг таъсирланган ролим бу – Миллий театрда ишлаб юрган вақтларимда “Ҳалала” номли спектаклидаги ижроим бўлган. Унда Захро образини яратганман. Захро ногирон қиз бўлади. Бу ролни ўйнаш жуда ҳам менга оғир бўлган. Қаттиқ таъсирланганман. Сабаби раҳматли Фотимам, яъни эгизагим операциядан кейин шунақа ногирон бўлиб қолган эди. Ўша ижроим бошқача бўлган. Ҳис қилиб ижро қилганман. Бошқа тайёргарлик жараёнларимга нисбатан камроқ шуғулланганман бу персонаж учун. “Ҳаётингизда ўзингиз севиб, яхши кўриб ижро қилган ролингиз қайси?” дейишса, шуни айтаман.

– Одатда янги ролга қандай тайёрланасиз?

– Олдиндан сценарийни ўқийман ва токи съёмка жараёнигача ётсам ҳам, турсам ҳам ҳаёлимда ўша образ гавдаланаверади. Шу образ устиди ишлаб бошлайман. Масалан, бир ой олдин сценарийни ўқисам, бир ой давомида яратмоқчи бўлган образим миямда туради. Уни юриш-туриши, характери, мимикалари ҳамма-ҳаммаси устиди қаттиқ ишлайман. Ўрганиб, таҳлил қилиб чиқаман. Устозларимиз ҳам бизга худди шу каби тайёргарлик кўриш кераклигини ўргатишган.

– Актрисаликнинг сизга нимаси ёқади?

– Актриса бўлишнинг менга ёқадиган жойи халқнинг меҳрини қозониш, деб ҳисоблайман. Мухлисларнинг эҳтироми, ҳурмати, бизга ёқасиз, деган гаплари мени бу соҳада янада ривожланишимга сабаб бўла олади, десам адашмаган бўламан.

– Келажакда ижро этишни орзу қилган ўзига хос образ ёки роллар борми?

– Келажакда ҳақиқий ўзбек аёли образини ижро этишни орзу қиламан. Унда аёллик нафосати бор, иродаси кучли, ҳар хил вазиятда ҳам тушкунликка тушмайдиган ҳамда ҳар томонлама мукамаллик мужассам бўлади.

# ЗУХРА СОЛИЕВА: “АЙРИМ КАСТИНГЛАР КЎЗБЎЯМАЧИЛИК УЧУН БЎЛГАН...”

– Омма эътиборида бўлиш билан боғлиқ бўладиган босим ва текширувларга қандай муносабатда бўласиз?

– Омма эътиборида бўлиш босими ва назорати билан курашиш, албатта, қийинчилик туғдиради, лекин мен ўзимга ва ўз касбимга содиқ қолиш жуда муҳим деб биламан. Ташқи фикрларга эмас, балки иш ва унинг таъсирига эътибор қаратаман.

– Характерни ривожлантириш ва янги ролнинг онгига киришга қандай ёндашасиз?

– Характерни ривожлантиришга яқинлашганда, мен ўзимни тадқиқотга шўнғишни, қаҳрамоннинг келиб чиқишини, мотивациясини ва психологиясини ўрганишни яхши кўраман. Ролнинг ҳақиқийлигини ошириш учун мен шахсий тажриба ва ҳиссиётлардан ҳам фойдаланаман.

– Шахсий ҳаётингизни карьерангиз талаблари билан қандай мувозанатлаштирасиз?

– Аввало, шахсий ҳаётимда ўз-ўзини парвариш қилиш ва дам олишга вақт ажратишга ҳаракат қиламан. Кўплар айтишади, “ҳаётингизга кимдир кириб келиб, ишингизни ташлаб, бошқа ўзингиз ёқтирган шаҳарга таклиф қилишса кетармидингиз?” деб. Аввало ҳаммаси тақдирдан. Бироқ мен барчасини бир маромда давом эттирмақчиман. Ўзим севган касбимни ҳеч қачон ташлаб кетмайман.

– Санъат оламига қадам қўяётган ёшларга қандай маслаҳат берасиз?

– Уларга маслаҳатим шуки, танлаган ва танламоқчи бўлаётган йўналишнинг қийинчиликлари, одамларнинг гап-сўзларига, ўзига яраша машаққатларига тайёр бўлиб, яхшилаб ўрганиб кейингина актрисаликни танлашлари керак. Устозларнинг мақтовига сазовор бўлиб, уларнинг дарсларини олиб кейингина бошлашса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Ахир айтишадику: “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”, деб.

– Суратга тушган вақтингиздаги саҳна ортидаги латифалар ёки кулгили лаҳзаларни айтиб бера оласизми?

– Суратга тушиш жараёнида жудаям кўп қизиқарли воқеаларга дуч келганман. Ҳозир қайси фильмни аниқ эслай олмаяпман, лекин ундаги ролимни яхши эслайман. Унда сабзи сотувчи бўлганман ва жуда кўп сабзи еб, ошқозоним 3 кун оғриган. Бундан ташқари, “Ҳалала” спектаклида менга соч улашган эди ва роль ўйнаётганимда тушиб кетган. Бироқ вазиятдан чиқишга ҳаракат қилиб, “чиройим бузилиб кетди” дея давом эттирганман. Тан оламан ўзим учун ҳам жуда кулгили бўлган бу жараён. Яна бир вазият эсимга тушиб қолди. Яқинда “Ўзга сайёралик божа” деган кинода роль ижро этдим. Бир саҳнасида ухлайдиган жойим бор эди, мен ухлаган аёл образини яратишим керак эди, бироқ мен ростдан ухлаб қолибман. Шуни айтиш жоизки, экран юзини кўрмади.

– Қандай қилиб ўз хунарингизда гайрат ва илҳомни сақлаб қоласиз?

– Соҳам гайрат ва илҳом олиш, адабиёт, санъат, саёҳат ёки бошқа истеъдодли шахслар билан яхши муносабатда бўлишни тақозо этади. Улардан илҳом оламан. Эришган ютуқларини кўриб завқланаман. Шунингдек, мен ўсиш ва ўрганиш учун имконият сифатида қийинчиликлар ва муваффақиятсизликларни ҳам қабул қиламан.

– Актриса қандай қобилиятларга эга бўлиши керак?

– Актриса Аллоҳдан берилган қобилиятга эга бўлиши лозим, деб ўйлайман ва уни устозларнинг кўмагида чиройли шакллантириш керак. Актриса тарбияси, одоби билан ажралиб туриши керак. Актрисанинг асосий қобилиятлари орасида ҳиссий ақл, эмпатия, кўп қирралик, мослашувчанлик, кучли мулоқот ва жамоада самарали ҳамкорлик қилиш қобилияти киради. Доимий машқ қилиш ва ўз хунарини сайқаллаштириш ҳам жуда муҳимдир.

– Актрисалик ва продюсерлик дунёсида ҳамкорлик ва жамоавий иш қанчалик муҳим?

– Мен доимо бу каби тушунчаларга алоҳида эътибор бераман. Продюсер биринчи навбатда яхши актриса ва актёрларни танлаши керак. Бу жамоавий ишлашда жуда муҳим. Айнан жамоавий саъй-ҳаракатлар орқали ҳикоялар ҳаётга татбиқ этилади ва актёрлардан тортиб экипаж аъзоларигача ҳар бир инсоннинг ҳиссаси спектакль муваффақиятининг ажралмас қисмидир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчани баҳорнинг илк айёми 8 март – нафосат ва гўзаллик тантанаси билан чин қалбдан муборакбод этаман. “Аёл борки, олам мунаввар” дейишади. Опа-сингилларимизни ва улар орқали бутун юртимиз аёлларини чин дилдан, бахтимизни бир бўлагини улашган ҳолда табриклайман. Байрамингиз муборак бўлсин, азиз аёллар!

Дилнур МАМАСАФОЕВА суҳбатлашди





# АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Жамиятимизда аёллар ҳуқуқлари кундан-кунга мустаҳкамланиб бормоқда. Гендер тенглиги, аёлларнинг давлат бошқарув органларида фаолиятини кучайтириш мақсадида қабул қилинаётган қонунлар бунинг исботидир. Уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти муҳим ўринга эгадир.

Йиллар давомида прокуратура органларида фаолият юритиб келаётган бугунги кунда эса Тошкент шаҳар прокуратураси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўйича шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Хуршида Раҳманова билан мавзу юзасидан суҳбатлашдик.

– Аёллар ҳуқуқлари бугун мамлакатимизда қанчалик таъминланган?

– Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 58-моддасида хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлиги, давлат хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминланганлиги кўрсатилган.

Мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни аниқлаш, уларни манзилли қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий қилинган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз аёлларнинг фарзандларини мактабгача таълим ташкилотларига имтиёзли навбат асосида қабул қилиш, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд аёлларга фарзандини мактабгача таълим ташкилотлари учун тўлов харажатларини бюджетдан қоплаш тартиби жорий этилган.

Бундан ташқари, мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2023 йил мамлакатимизда ҳуқуқни қўллаш амалиётида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда бир қатор тизимли муаммолар ҳал қилинди. Хусусан, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланди, хотин-қизларни шилқимлик ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари жорий этилди, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Қонунларимизда оилавий зўравонлик учун аввал маъмурий, қайта содир этилган тақдирда, жиноий жавобгарлик белгиланди. Энг муҳими, номусга тегиш ёхуд жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондириш учун шахсни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, 16 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан содир этиладиган жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилди.

Амалга оширилган ишлар билан бирга, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш бўйича ишлар давом этмоқда.

– Гендер тенглиги хусусида қандай фикрдасиз?

– Мамлакатимиз Жаҳон банки маълумотларига кўра, гендер тенглик соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган мамлакатлар топ-5 талигига кириб, бу борада Марказий Осиёда энг яхши натижани қайд этмоқда. Бунда энг аввало, меҳнат ва оилавий зўравонликка қарши кураш соҳасидаги ислохотлар энг муваффақиятли деб топилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 28 декабрдаги СҚ-682-IV-сонли Қарори билан тасдиқланган 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш борасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий бўлимларига мурожаат қилган шахсларнинг 1313 нафарига психологик, 757 нафарига ҳуқуқий, 149 нафарига тиббий, 359 нафарига бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан давлат органларида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга оид маслаҳат-кенгаш органлари фаолиятини ташкил этиш бўйича намунавий Низом ҳамда услубий қўлланма ишлаб чиқилган.

Хотин-қизларнинг сиёсий малакасини ошириш, уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш, аёллар малакасини ошириш мақсадида 60 нафар оlima хотин-қиз иштирокида «PhD сари қадам» мавзусида ўқув курси, 420 нафардан зиёд хотин-қизлар иштирокида «Келажак: илмли қизлар ҳамжамияти» таълим-алмашув дастури йўлга қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик масалалари бўйича раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакавий салоҳиятини кучайтириш бўйича ўқув курслари (соатлари) жорий қилинган.

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари томонидан меҳнат жамоаларида зўравонлик ва уларнинг олдини олиш бўйича 56 та қисқа муддатли семинар-тренинг ташкил этилиб,

2016 нафар иштирокчи қамраб олинди.

Сиёсий партиялар томонидан сиёсий фаол аёллар тўғрисида 100 дан ортиқ медиа маҳсулотлар тайёрланиб, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган. Партияларнинг ижтимоий-сиёсий нашрларида гендер тенглик мавзусига доир 350 дан зиёд материаллар чоп этилган.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари чекланишининг, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олишга, аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган 10 мингга яқин тарқатма материаллар, 3 мингдан зиёд баннер, қарийб 400 та видеоролик тайёрланган, шунингдек, маҳаллаларда, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда 17 мингдан ортиқ учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилган.

Амалда аёлларнинг ҳуқуқлари эркеклар билан тенг бўлсада, имтиёзлар масаласида аёллар анча юқори. Бунга жиноят қонунчилигидан тортиб меҳнат қонунчилигигача кўришимиз мумкин.

– Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида аёллар роли ҳақида фикрингиз?

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 19-моддаси 2-бандида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар.

Шунингдек, 42-моддасида ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши белгиланган.

Ҳозирги кунда аёллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида билмис ва шижоатларини кўрсатиб келмоқдалар. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи мартаба Бош прокурор ўринбосари аёл киши, яъни С.Артикова тайинланганлиги ўз аксини кўрсатмоқда.

Шунингдек, туман прокурорлари ва ҳокимликларига аёллар раҳбар сифатида фаолият олиб бораётган бўлиб, бу ўз навбатида аёлларга бўлган ишончли акс этмоқда. Яъни давлатимиз раҳбари ҳамда халқимизнинг аёл раҳбарларга бўлган ишончи ортиб бормоқда.

Тошкент шаҳар прокуратураси органларида 30 яқин хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Шундан 3 нафари бўлим бошлиғи ва 3 нафари туман прокурорларининг ўринбосарлари ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида аёлларнинг фаолият юритиши, уларнинг шижоатлиги, юкланган масъулиятни виждонан бажаришлари, яъни жамиятда аёллар раҳбар сифатида юртимизнинг келажаги учун матонат билан курашиб бораётганликларини эътироф этиш мумкин.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА тайёрлади



## ТАРИХ ЯРАТГАН АЁЛЛАР:

## ЎЗБЕК ВА ЖАҲОН ТАРИХИДА



**Тўмарис** (милоддан аввалги VI аср) — Турон халқларининг Аҳамонийлар босқинига қарши курашга раҳбарлик қилган аёл саркарда. У форс шоҳи Кир IIни мағлуб этгани билан тарихда шухрат қозонган. Қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг "Тарих" (милоддан аввалги V аср) асаридида ёзилишича, Тўмарис эрининг вафотидан сўнг массагетлар

подшоси бўлиб турган пайтда, Аҳамонийлар давлати асосчиси Кир II Туронга бостириб кирган. Жанглardan бирида ўз ўғлидан айрилган Тўмарис Кир IIдан массагетлар юртидан чиқиб кетишини сўрайди. Форс шоҳи рад жавобини бергач, икки давлат ўртасида шиддатли жанг бўлиб ўтади. Натижада форс қўшинларининг асосий қисми ва 29 йил ҳукмронлик қилган Кир II жанг майдонида ҳалок бўлади. Кир IIнинг жасади топилгач, малика Тўмариснинг буйруғи билан унинг кесилган боши одам қони билан тўлдирилган мешга солинади.



**Нодирабегим** — 1792 йилда Андижонда туғилган ва ўзбек шоираси, маърифатпарвари ва давлат арбоби сифатида танилган. Макнун, Комила, Моҳларойим тахаллуслари билан шеърлар ёзган. 1807 йилда Нодира Умархонга турмушга чиқади ва унинг хонадонидида шеър ёзишни машқ қилади, шоира Увайсий билан танишиб, уни муаллима сифатида

саройга таклиф этади. 1822 йили Умархоннинг фотидали вафотидан сўнг ўғли Маъдалихон билан биргаликда Қўқон хонлигини бошқаради. Мадраса, масжид, карвонсаройлар қурдириб, илм аҳлига раҳнамолик, фақирларга ҳомийлик қилади. Шоира 1842 йили Бухоро амирлиги ҳукмдори Амир Насруллоҳ томонидан қатл этилади. Бизгача унинг 10000 мисрага яқин асари етиб келган. Нодира ғазал, рубоий, фард, мухаммас каби кўплаб жанрлардан фаол фойдаланган. Унинг ғазалларида фироқ, дард изтироблари самимий баён қилинган. Нодиранинг адабий мероси ўз ғоявий-бадий аҳамияти нуқтаи назаридан мумтоз шеърининг гўзал намуналаридандир. Унинг тўла бўлмаган ўзбекча девони ва бошқа адабий мероси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланади.



**Жаҳон отин Увайсий** — илк ўзбек шоираларидан бўлмиш бу аёл 1779 йилда Марғилонда таваллуд топган. Унинг оиласи ҳам зиёли бўлиб, отаси Сиддиқ бобо икки тилда шеърлар ёзган. Онаси Чиннибиби отиноий, акаси Охунжон эса ҳофиз сифатида машҳур эди. Увайсий Ҳожихон исмли қосиб билан турмуш қурган, бироқ унинг шахсий ҳаёти

қувончли кечмаган. У Нодира билан биргаликда Қўқон хони саройида яшаб, ижодий ҳамкорлик қилади. Нодира билан биргаликда Конибодом, Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Андижон каби шаҳарларига сафар қилади. 1842 йилда Бухоро амира Насруллоҳон Қўқонни эгаллагач, Марғилонга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган. Увайсий 4 девон тузганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунингдек, шоира мумтоз ўзбек шеърининг барча жанрларида ижод қилган. Навоий, Фузулий каби шахсларнинг асарларига мухаммаслар боғлаган. Шоиранинг адабий меросида 269 ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 1 мурабба, чистон, 3 дoston ва тугалланмаган бир манзума бор. Лирик шеърларидан ташқари, унинг ислом тарихи билан боғлиқ воқеалар асосида яратилган "Шаҳзода Ҳасан", "Шаҳзода Ҳусан" каби лироэпик асарлари ва "Воқеаи Муҳаммад Алихон" каби тарихий дostonлари мавжуд. Унинг бир неча қўлёзма

девлонлари Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Андижон давлат университети кутубхонасида сақланади.



**Тамарахоним** — 1906 йил 29 март куни Туркистон ўлкасининг Фарғона водийсига кўчиб келган Анна ва Артём Петросянларнинг оиласида туғилган. У ўзбек рақс санъати шаклланишига ва дунёга танилишига катта ҳисса қўшган шахслардан бири ҳисобланиб, бир неча мамлакатларда ўтказилган фестивалларда ўзбек рақсини намойиш этган.

Раққоса турли ўзбек рақслари билан бирга, туркманча, мўғулча, грузинча, озарбайжонча, туркча, индонезча, арабча, японча, корейсча, афғонча, ҳиндча, кирғизча, тожикча, татар ва украинча каби 500 дан ортиқ рақс ва кўшиқларни ўзлаштирган. Тамарахоним бир неча спектаклларда ҳам бош ролларни ижро этган. Шунингдек, у 1932 йили 26 ёшида аёл санъаткорлар орасида биринчи бўлиб, Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлади. 1935 йил Лондонда бўлиб ўтган Халқаро фестивалда Британия маликасининг шахсан ўзи Тамарахонимга санъатга қўшган улкан ҳиссаси учун мукофот топширган.



**Зебо Ғаниева** — 1923 йилнинг 20 августидида Ўзбекистоннинг Гулистон шаҳрида (баъзи маълумотларга кўра Озарбайжоннинг Шамахи шаҳрида) туғилган. У Иккинчи жаҳон урушидаги жасорати билан танилган. 1940 йили Россия давлат театр санъати институтига ўқишга кирган Зебо Ғаниева 1941 йил 7 ноябрда Қизил майдондаги парадда қатнашиб, дарҳол урушга жўнаб кетади. У 1942 йил 12 апрелдан 23 майгача снайпер сифатида 20 та душманни йўқ қилган. Урушдаги бутун иштироки давомида 129 нафар фашистни ўлдиргани ҳақида снайпер аёлнинг ўзи хотира сўхбатларининг бирида гапириб ўтган. Ғаниева урушдан сўнг "Тоҳир ва Зухра" фильмида роль ижро этган. Шунингдек, у тарих фанини ўрганиб, шарқшунослик фанлари доктори, профессор, филология фанлари номзоди илмий даражаларига эга бўлган.



**Зулфия Исроилова** — Зулфия номи билан танилган шоира, таржимон, журналист ва жамоат арбоби 1915 йилнинг 1 март санасида Тошкентда таваллуд топган. 1934 йили Хотин-қизлар педагогика билим юртини тамомлаган. 1935 йили Ўзбекистон ССР Фанлар кўмитаси қошидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасига ўқишга кирган. Зулфия умрининг


бир қисмини турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжоннинг илмий меросини ўрганиш ва нашр этишга бағишлаш билан бирга, ўзи ҳам юзлаб шеър ва дostonлар ёзди. Пьеса ва либреттоларни мерос қилиб қолдирди. Шунингдек, шоира Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Леся Украинка, Дилбозий, Мустай Карим, Притам Амрита, Сильва Капутикян каби ижодкорларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Бундан ташқари, Зулфия халқаро "Жаваҳарлал Неру" (1968) ҳамда Осие ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ассоциациясининг йиллик халқаро мукофоти "Нилуфар" (1971) мукофотлари ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти (1970) лауреати ҳисобланади.

**Зайнаб Садриева** — Анзират ва Фармонбиби образлари билан томошабинлар меҳрини қозонган ҳар бир ўзбек кинохлосмандларининг сеvimли актрисаси. Актриса 1912 йилнинг 25 октябрида Астрахан шаҳрида туғилган. Отаси Садри бобо



Астрахандаги ун заводида оддий ишчи бўлиб ишлаган. Онаси уйда фарзандлар тарбияси билан шуғулланган. 1916 йил Зайнаб Садриева тўрт ёшлигида Астрахандаги ун заводи Тошкент вилоятининг Янгийўл туманига кўчирилади. Шу муносабат билан Зайнаб Садриеванинг оиласи Янгийўлнинг Қовунчи қишлоғига кўчиб

келади. Шу тариқа бўлажак актрисанинг болалиги Янгийўлнинг Қовунчи қишлоғида ўзбеклар орасида ўтади. У вояга етгач, Тошкентдаги хотин-қизлар билим юртига ўқишга кирилади. Техникумда Зулфияхоним билан бирга таҳсил олади. Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри (ҳозирги Ўзбек миллий академик театри) актриса таҳсил олаётган техникумнинг рўпарасида жойлашган эди. Театрда ўтказилган кастингда ўн етти ёшли Зайнаб Садриева машҳур санъаткорлар этиборига тушади. Дастлаб оддий актрисалиқдан фаолиятини бошлаган иқтидор эгаси Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри (ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театри) нинг етук вақиласига айланади. Театрда ишлаб юрган кезлари актриса Обид Ҳасанов билан турмуш қуради. Ўзбекистон халқ артистлари – Обид Ҳасанов ва Зайнаб Садриева икки ўғил ва икки қизни дунёга келтиришган. Актриса "Армон", "Суюнчи", "Келинлар кўзғолони" каби фильм ва "Келинлар кўзғолони", "Фармонбиби аразлади" каби спектаклларда унутилмас образларни гавдалантирган. 1952 йилдаёқ Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган Зайнаб Садриева 1991 йили Тошкентда вафот этган.



**Дилбар Абдурахмонова** — Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги биринчи аёл-дирижёр. Ижодкор 1932 йили Москва шаҳрида туғилган. 1960 йили Тошкент давлат консерваториясини тамомлаган. 1957 йилдан Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри симфоник оркестрида скрипкачи, 1960 йилда дирижёр, 1974-1990 йилларда бош дирижёр бўлиб иш юритган. Биринчилардан бўлиб Жузеппе Вердининг "Аида" операсига дирижёрлик қилган. Унинг репертуарида 60 дан ортиқ сара опера ва балет спектакллари мавжуд.




**Оксана Чусовитина** — 1975 йилнинг 19 июль санасида Бухоро вилоятида таваллуд топган. Чусовитина саккизта (1992, 1996, 2000, 2004, 2008, 2012, 2016, 2020) Олимпиадада ўйинларига қатнашган ягона гимнастикачидир. Бу натижаси орқали у Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган. Шунингдек, спортчимиз уч карра жаҳон чемпиони ҳамдир. Бундан ташқари, у фаолиятини яқунламасдан туриб, гимнастикага қўшган ҳиссаси учун Халқаро гимнастика шон-шараф залидан ўрин олган ягона спортчи ҳисобланади. Юксак иқтидор эгаси давлатимиз томонидан "Ўзбекистон ифтихори", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвонлари, "Дўстлик", "Меҳнат шухрати" ҳамда "Эл-юрт ҳурмати" орденлари билан тақдирланган.

**Клеопатра** — бу исми эшитмаган одам бўлмас керак. Ўз вақтида Мисрни идора қилган ва гўзаллиги билан тилларга тушган Клеопатра Мисрнинг сўнги маликаси ҳисобланади. У ўз даврининг энг ўқимишли аёлларидан бўлиб, ўнга яқин тилларни билган ва ўзининг чиройи, ақл-у заковати билан доврўғ қозонган. Шунингдек, у тиббиёт, астрономия ва ҳарбий соҳада ҳам етарлича билимга эга бўлган. У дастлаб ўз ҳусни

(Давоми 7-бетда)



(Боши 6-бетда)



билан Юлий Цезарни, сўнгра Марк Антонийни ром қилган ва у билан бир неча йил Мисрни биргаликда бошқарган. Октавиан Август Мисрни забт қилганидан кейин эса Клеопатра унинг қўлига тушмаслик учун ўз жонига қасд қилган. Клеопатра тимсоли Ғарб ва Шарқ адиблари, шоир, драматург, rassом ва ҳайкалтарошларнинг асарларида акс этган, у ҳақида кўплаб бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олинган.



**Жанна д'Арк** — ўз Ватанининг озодлиги йўлида қурбон бўлган француз қахрамони. У 1412 йилда Франциянинг шимол-шарқда жойлашган Домреми қишлоғида дунёга келади. Унинг отаси қишлоқ оқсуякларидан бўлиб, Жанна яхши шароитда катта бўлади. У ўқиш ва ёзишни яхши ўзлаштирмаган бўлса ҳам, онаси уни католик черковига бўлган чексиз муҳаббат билан улғайтиради.

Унинг қахрамонлиги Франция ва Англия ўртасидаги юз йиллик уруш давом этаётган пайтга тўғри келди. Англия қироли Генрих V Парижни эгаллаб, ўзини бирлашган Англия ва Франция қироли деб эълон қилгандан сўнг француз тахтининг қонуний вориси валиаҳд шахзода Карл мамлакат жанубига чекинади. Шахзода Карл билан суҳбатлашган Жанна француз қироллари аънавий тож киядиган шаҳарда Карлга ҳам тож кийдиришни ваъда қилиб, ундан инглизлар қамал қилаётган Орлеанни озод қилиш учун қўшин беришни сўрайди. Кўпгина генерал ва маслаҳатчиларининг қаршилигига қарамадан Карл унинг илтимосини қондиради. 1429 йил март ойида оқ отга ўтирган Жанна д'Арк Орлеан ҳимояси учун йўл олади. Бир неча мағлубиятлардан сўнг умидни йўқотиб, тушкунликка тушган саркарда ва аскарлар Жаннанинг сўзларидан руҳланиди. Ғалабадан сўнг Жанна инглиз-бургунд қўшинини чекинишга мажбур қилади. Ушбу муваффақиятдан кейин Жаннанинг обрўси кескин ортади. Чунки у бошқа француз саркардалари имконсиз, деб ҳисоблаган вазифани тўрт кун ичида амалга оширганди. Орлеандаги ғалабалардан кейин уни "Орлеан қизи" деб атай бошлашади. Шундан сўнг у яна бир неча мартаба инглизлар қўшинини мағлуб этади. Унинг зафарли юришларидан сўнг Карлга тож кийдирилади ва қирол Карл VII номи билан тахтга ўтиради. Миллий ғурури уйғонган халқни бирлаштириш мақсадида Жанна герцогларга ярашиш хатлари юборади, қиролга бошқа шаҳарларни ҳам тезроқ эгаллаш кераклигини айтади. Бироқ Карл яқинларининг Жаннанинг қудрати тобора ортиб бораётгани ҳақидаги огоҳлантиришлари тўғрисида қўрқиниб кечиктирилади. 1429 йил сентябрда Париж қамалида Жанна жароҳат олади. Бундан ташқари, у сарой аҳли томонидан мунтазам тазийққа учрайди. Қирол унга бургундияликлар томонидан қамал қилинаётган Компен қалъасини озод қилиш вазифасини топширади. Бироқ хоинлик натижасида Жанна бургундлар томонидан асир олинади. Қирол Карл VII эса уни қутқаришни хоҳламайди ва Жанна инглизларга ўн минг олтин тангага сотиб юборилади. Унга черков томонидан бир неча айбловлар қўйилади. Охир оқибат 1431 йил 30 май куни Руан шаҳридаги бозор майдонида француз миллий қахрамони Жанна д'Арк тириклайин ёқиб юборилади.



**Екатерина II** — тарихдаги энг машхур ҳукмдор аёллардан ҳисобланади. Немислар диёрида туғилган қиролича ёшлик вақтларида рус шахзодаси билан унаштирилади ва ўзи учун бегона бўлган жойларга келади. У мамлакатнинг урф-одатлари ва тилини ҳам яхши билмаслигига қарамай рус тарихида энг ақлли, қувнок, гўзал, сиёсий билимга эга, ҳарбий соҳадан ҳам яхши хабардор бўлган аёл сифатида ном қолдирди. Қиролича даврида Россия империясининг қудрати юксалди. Унинг бошқарув даврини "Рус дворянлигининг олтин асри" дея атайдилар. У соғлиқни сақлаш ва таълим тизимига катта эътибор бериб, тез тиббий ёрдам пунктларини очган, мамлакат одамларини эпидемияга қарши курашишга

қақирган. Шунингдек, Екатерина II даврида қўшни мамлакатлар билан яқин алоқалар йўлга қўйилган, sanoat марказлари тармоғи пайдо бўлиб, бутун империя бўйлаб тарқалган.



**Индира Ганди** — Ҳиндистон тарихидаги энг машхур аёл, давлат арбоби. У 1917 йилда Ҳиндистонда туғилган. Индира Ганди ўзининг машхур фамилиясига қарамай, Маҳатма Ганди билан қариндошлик алоқаси бўлмаган. Бироқ унинг отаси Жаваҳарлал Неру Маҳатма Гандининг сафдошларидан бўлган ва 1947 йили мустақиллик қўлга киритилгач Ҳиндистон бош вазири сифатида фаолият юритган. Отасининг ягона қизи бўлган Индира Ганди — 1959 йилда давлатнинг асосий сиёсий партияси раислигига сайланади. 1964 йилда ахборот ва эшиттириш соҳаси вазири, икки йилдан сўнг эса бош вазир бўлади. У ўз даврида бир неча режаларни муваффақиятли амалга оширади ва ўз мамлакатини билан бирга бошқа давлатларда ҳам катта машхурликка эришади. Жумладан, у аёллар устидан зўравонликка йўл қўйилмаслиги учун бор кучи билан ҳаракат қилган. Шу билан бирга унинг ҳукмронлиги кўплаб ички ва ташқи низолар авж олган пайтга тўғри келди. Индира Ганди бошқарувининг иккинчи даври диний гуруҳлар ўртасидаги курашларга тўла бўлди. Бироқ шундай беқарор вазиятда ҳам мамлакат иқтисодий ривожланишда давом этди. Афсонавий хоним 1984 йилнинг 31 октябрь куни амалга оширилган навбатдаги суиқасд оқибатида вафот этган.



**Амелия Эрхарт** — 1897 йили 24 июлда Америка Қўшма Штатларида туғилган. Амелия тарихга Атлантика океанидан учиб ўтган биринчи аёл учувчи сифатида кирган. У парвозлари ҳақида китоблар ёзган ва учувчи аёллар ташкилотини тузишда иштирок этган. 1923 йилда парвозлар учун лицензия олиб, дунёдаги дипломга эга 16 учувчидан бирига айланган. 1927 йилда у Нью-Йоркдан Парижга учиб борган. Парвоз даврида Эрхарт бўронга дуч келади. Францияга боришни уздамай олмасида Эрхарт океан узра парвоз қилиб, Шимолий Ирландиядаги дала майдонига қўнади. Мазкур парвози учун у АҚШда "Парвоз хизматлари хоҳи" мукофоти билан тақдирланади. Бунгача бу мукофотни фақат эркак ҳарбий хизматчилар қўлга киритган. Эрхарт 1937 йили 1 июнь куни ер қурраси бўйлаб парвоз қилаётганда Тинч океани яқинидаги Хауленд ороли яқинида ғойиб бўлади. Икки ҳафта давом этган қидирувларга қарамай, унинг жасади топилмайди ва 1939 йилда вафот этгани эълон қилинади.



**Маргарет Тэтчер** — "Темир хоним" номи билан танилган бу шахс Буюк Британия қироллиги ва Шимолий Ирландиянинг собиқ бош вазири ҳисобланади. У Буюк Британияни 1979 йилдан 1990 йилга қадар, 11 йил давомида бошқарган. У оддий баққол оиласида туғилишига қарамай, ўз кучи билан мамлакатнинг бош вазири лавозимига қадар кўтарилган. Унинг бошқаруви вақтида Британия кўплаб иқтисодий муаммоларга дуч келган эди. У инфляция ва бир неча иқтисодий муаммоларга қарши курашиш мақсадида бир қатор иқтисодий қарорлар қабул қилган ва давлат компанияларини хусусийлаштириш, касаба уюшмаларининг таъсирини камайитиришга ҳаракат қилган. Тарихчилар Тэтчерни Британия тарихидаги энг буюк ва қатъиятли бош вазирлардан деб билишади. Бу шахс ҳақида кўп ёзиш мумкин. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, "темир хоним"дан дунёнинг энг номдор сиёсатчилари ҳам ҳайиқиб турган. У сиёсатни батамом тарк этишига қарамай, унга нисбатан жамоатчилик қизиқиши сўнмаган. У ҳақида фильмлар суратга олинган.

**Ҳалима Ёқуб** — ислом динига эътиқод қилувчи кам сонли аёл президентлардан бири. Кўпчилик уни



ўтган йили давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан юртимизга ташриф буюрганидан сўнг яхши таний бошлади. Ҳалима Ёқубнинг отаси ҳинд, онаси эса малай бўлган. У отасидан эрта, 8 ёшида айрилган. 10 ёшидан бошлаб онасига нон топишда кўмаклашган. Ҳалима Ёқуб дастлаб, қизлар мактабида ўқиди. 1978 йил Сингапур Миллий университетда ҳуқуқшунослик бакалаври, 2001 йил шу институтда ҳуқуқ йўналиши бўйича магистр даражасини ҳам қўлга киритган. У мамлакатда кўплаб мукофотларга сазовор бўлган. Шу билан бирга бир неча юқори лавозимларда биринчи аёл киши сифатида танилган. Жумладан, Ҳалима хоним 2013-2017 йилларда парламент спикери бўлиб ишлади ва мамлакат тарихида ушбу лавозимни эгаллаган биринчи аёлга айланади. Ҳалима Ёқуб сайловдаги ғалабасидан кейинги нутқида шундай дейди: "Сингапурликлар президенти сифатида сизларни ишонтираманки, ирқи, тили, динидан қатъи назар, ҳар бирингизга хизмат қиламан". Ҳукумат мансабдорларига эса шундай дейди: "Аллоҳдан қўрқаман, ким Сингапур халқи манфаати учун мен билан шерик бўлиб ишламоқчи экан, унинг Аллоҳ йўлидаги синглисиман. Ташвишим — Сингапур халқи турмуш даражасини кўтариш. Мени бошқа нарса қизиқтирмайди". Ҳалима Ёқуб олиб борган сиёсат ва ислохотлар тўғрисида мамлакатда ишсизлик, атиги, 1 фоизни ташкил қилади. 6 миллион кишига яқин аҳолига эга мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот қиймати 379 миллиард долларга тенг, йиллик даромад эса ҳар бир фуқарога 65 минг доллардан тўғри келади.



**Жоан Роулинг** — дунёдаги энг кўп даромад топадиган аёл ёзувчилардан. Роулинг 1965 йил 31 июлда Британияда туғилган. У 1997 йилдан 2007 йилга қадар етти жилдлик "Гарри Поттер" болалар фантастик асарини ёзган ва бу орқали катта шуҳрат қозонган. Ёзувчининг бу асари 84 та тилга таржима қилинган ҳамда 600 миллион нусхадан ортиқ сотилган. Асарнинг биринчи жилди ёзилганига қадар онасининг ўлими, биринчи фарзандининг туғилиши, биринчи турмуш ўртоғидан ажрალიши ва бироз қашшоқлик уни қийнади. Бироқ бу қийинчиликлар сериядаги биринчи роман 1997 йилда нашр этилгунга қадар давом этди. Шундан сўнг 2007 йилга қадар асарнинг яна олти жилдини ёзган Жоан Роулинг 2008 йил "Forbes" журналида "Энг кўп пул ишлаб топувчи муаллиф" деб эълон қилинди. Унинг 2016 йилдаги даромади 19 миллион долларни ташкил қилган. Бу рақамларда келажакда ортиши мумкин. У эндигина 59 ёшда.



**Мерил Стрип** — америкалик киноактриса, продюсер. Ижодкор 1949 йил 22 июнда АҚШда туғилган. Мерил Стрип кинотанқидчилар олқишига сазовор бўлган ўз даврининг энг буюк актрисаларидан бири ҳисобланади. Стрипнинг фильмдаги дебюти 1977 йилда Фред Зиннеманнинг "Жулия" мелодрамасида бўлиб ўтган. Мерил Стрип уч карра "Оскар" мукофоти совриндори ҳисобланади. Шунингдек, бу совринга номзоди энг кўп (21) қўйилган актриса ҳам Мерил Стрипдир. Бундан ташқари, актриса "Олтин глобус" мукофотини ҳам тўққиз карра қўлга киритган ва ушбу кино мукофот тарихидаги мутлақ рекордни ўрнатган. Бундан ташқари, у яна бир неча нуфузли кино мукофотларда биринчиликни қўлга киритган. Мерил Стрип "Крамер Крамерга қарши" (1979), "Француз лейтенантининг аёли" (1981), "Софининг танлови" (1982), "Адаптация" (2002), "Фаришталар Америкада" (2003), "Иблис Прадада юради" (2006), "Жули ва Жулия: рецепт бўйича бахт тайёрлаймиз" (2009) ва "Темир хоним" (2011) каби фильмлари билан машхур.

Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади



"SHERZOD KREDIT INVEST LOMBARD" МСНЈнинг  
баланс ҳисоботи 2023 йил "31" декабрь ҳолатига

КОД	КЎРСАТКИЧЛАР	минг сўмда
<b>АКТИВЛАР</b>		
10	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	26 786
20	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	111 234
30	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фойзлар	36 565
40	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - факторинг, брутто	0
41	Минус: факторинг бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
42	Факторинг, соф (40 код - 41 код)	0
50	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	961 115
51	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
52	Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	961 115
60	Лизинг, брутто	0
61	Минус: лизинг бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
62	Лизинг, соф	0
70	Инвестициялар, брутто	0
71	Минус: Инвестициялар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
72	Инвестициялар, соф	0
80	Асосий воситалар, соф	460 065
90	Номоддий активлар, соф	0
100	Бошқа хусусий мулклар	0
101	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
102	б. Бошқа хусусий мулклар, соф (100 код-101 код)	0
110	Бошқа активлар	71 354
120	<b>Жами активлар (10+20+30+42+52+62+72+80+90+102+110)</b>	<b>1 667 118</b>
<b>МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ</b>		
<b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>		
210	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	341 361
220	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	Чикарилган облигациялар	0
240	Тўланиши лозим бўлган фойзлар	0
250	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	22 865
260	Муддати узайтирилган даромадлар	0
270	Бошқа мажбуриятлар	14 306
280	<b>Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)</b>	<b>378 532</b>
<b>КАПИТАЛ</b>		
310	Устав капитали	800 000
311	а. Акциялар - оддий	0
312	б. Акциялар - имтиёзли	0
320	Қўшилган капитал	0
330	Захира капитали	105 041
331	а. Умумий захира фонди	90 000
332	б. Бошқа захира ва фондлар	15 041
340	Тақсимланмаган фойда	154 000
350	Жорий йил фойдаси (зарар)	229 545
360	<b>Жами капитал (310 + 320 + 330 + 340 + 350)</b>	<b>1 288 586</b>
370	<b>Жами мажбуриятлар ва капитал (280 + 360)</b>	<b>1 667 118</b>

Рўйхат рақами: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 31 октябрдаги 1592-сонли гувоҳномаси.


Юридик манзил: 100208, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 56-уй, 92-хонадон.

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «ABS FINANS AUDIT» МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкilotи (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг

"SHERZOD KREDIT INVEST LOMBARD" МСНЈнинг  
молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи 2023 йил "31" декабрь ҳолатига

КОД	КЎРСАТКИЧЛАР	минг сўмда
<b>1. ФОЙЗЛИ ДАРОМАДЛАР</b>		
110	Банклардаги депозитлар бўйича фойзли даромадлар	0
120	Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микроразлар) бўйича фойзли даромадлар	803 679
130	Ўзини ўзи банд қилган шахсларга берилган микрокредитлар бўйича фойзли даромадлар	0
140	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган кредитлар (микроразлар) бўйича фойзли даромадлар	0
150	Юридик шахсларга берилган кредитлар (микроразлар) бўйича фойзли даромадлар	0
160	Лизинг бўйича фойзли даромадлар	0
170	Бошқа фойзли даромадлар	0
180	<b>Жами фойзли даромадлар (110+120+130+140+150+160+170)</b>	<b>803 679</b>
<b>2. ФОЙЗЛИ ХАРАЖАТЛАР</b>		
210	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фойзли харажатлар	0
220	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	39 465
230	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
240	Чикарилган облигациялар бўйича фойзли харажатлар	0
250	Лизинг бўйича фойзли харажатлар	0
260	Бошқа фойзли харажатлар	0
270	<b>Жами фойзли харажатлар (210+220+230+240+250+260)</b>	<b>39 465</b>
<b>3. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙЗЛИ ДАРОМАДЛАР (180-270)</b>		
310		764 214
320	Минус: Кредит ва лизинглар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330	<b>Кредит ва лизинглар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фойзли даромадлар (310-320)</b>	<b>764 214</b>
<b>4. ФОЙЗСИЗ ДАРОМАДЛАР</b>		
410	Кафолатлар ва кафиликлар бўйича операцияларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар	0
420	Факторинг хизматлари бўйича олинган даромадлар	0
430	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида олинган фойда	0
450	Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар	0
460	Бошқа фойзсиз даромадлар	189 040
470	<b>Жами фойзсиз даромадлар (410+420+430+440+450+460)</b>	<b>189 040</b>
<b>5. ФОЙЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР</b>		
510	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	48 210
520	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида қўрилган зарарлар	0
530	Инвестициялардан қўрилган зарарлар	0
540	Бошқа фойзсиз харажатлар	0
550	<b>Жами фойзсиз харажатлар (510+520+530+540)</b>	<b>48 210</b>
<b>6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+470-550)</b>		
600		905 044
<b>7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР</b>		
710	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	371 672
720	Ижара ва таъминот харажатлари	100 312
730	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	Маъмурий харажатлар	13 519
750	Репрезентация ва хайрия	11 550
760	Эскирин харажатлари	122 327
770	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	10 640
780	<b>Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)</b>	<b>630 019</b>
<b>8. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ</b>		
800		0
<b>9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)</b>		
900		275 025
<b>10. ФОЙДА СОЛИГИ</b>		
1000	Фойда солигини баҳолаш	45 480
<b>11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)</b>		
1100		229 545
1110	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
<b>12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+1110)</b>		
1200		229 545

2019 йил 10 апрелдаги АФ № 00805 сонли лицензиясига эга) томонидан ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот, ташкилотнинг 2023 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботларнинг тўғрилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд.



**Дунёда шарафли касблар кўп, лекин шифокорлик касби жуда ҳам ўзгача. Чунки инсонларнинг жони оғриб турганида яқинлари ҳам жонига оро бера олмайдилар. Ҳам ширин сўз, ҳам муолажа билан дардингизни олувчи, малҳам бўлувчи инсон бу шифокордир.**

Тўғри, ҳозирги вақтда бу касб эгалари тўғрисида ижтимоий тармоқларда, зангори экранда негатив фикрлар билдирувчилар ҳам топилади. Лекин аксарият шифокорлар ўзларининг беминнат меҳнатлари билан кўп инсонларнинг дуосини олишмоқда. Мен мана шундай касб эгаси ҳақида сўз юритмоқчиман. Тақдир тақозоси билан шаҳримиздаги 1-сонли кли-

## ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБАСИ

ник шифохонанинг эндокринология бўлимига даволанишга ётдим. Қандли диабет билан оғриганим учун жиззаки, умуман жаҳлдор бўлиб қолгандим, ҳеч нарса ёқмасди, ҳаттоки невараларимнинг ширин кулгиси ҳам ёқмай қолган эди. Қон босимим ошиб, юрак соҳасидаги оғриқлар ҳам безовта қила бошлади.

Бўлим мудири эндокринолог, тиббиёт фанлари номзоди Дилдорахон Юлдашева менга даволловчи врач эдилар. Биринчи кўрганимда "жуда ёш экану, яхши врачмикан..." деб ўйланиб қолгандим. Аммо даволаниш жараёнида шунга амин бўлдимки, Дилдорахон нафақат яхши врач, балки яхши психолог, муомаласи жуда ҳам ширин инсон экан. Ҳар бир беморнинг юрагига йўл топиб, уларнинг дардини энгил қилиш ҳаммамнинг ҳам қўлидан келмайди. Дилдорахон ҳақида уларнинг қўлларида даволанган яқин қариндошларимиздан ҳам яхши фикрлар эшитгандим, ўзим ҳам амин бўлдим.

Сўзимнинг якунида юртимизда шундай шифокорлар кўпаяверсин, беморларнинг дардига малҳам бўлаверсин, дейман.

Номира АБДИЕВА

## ЭЪЛОН

Давлат активларини бошқариш агентлиги таъсисчилигида бўлган "Ўзавтовокзал сервис" МЧЖ директор лавозимига номзод тайинлаш бўйича танлов эълон қилади.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- Иқтисодиёт мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлган;
  - Раҳбарлик лавозимида давлат иштирокидаги корхоналарда иш стажига эга бўлган;
  - Интизомли, талабчан ва принципаалликка эга бўлиш;
  - Ўзбек, рус, тилида мулоқот қилиши (чет тилларни билиши);
  - Компьютер билимлари: MS Office дастурларини билиши;
  - Нафақа ёшига тўлмаганлиги;
  - Давлат мукофотлари билан тақдирланганлиги.
- Ҳужжатларни қуйидаги манзилларга юборишингиз мумкин.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 7-уй.  
Тел: 98-809-12-31, 98-888-81-32.  
Телеграм рақам: 98-888-81-32.  
Электрон манзил: Tashkent@davaktiv.uz

<p>МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ</p>	<p>Бош муҳаррир: Севдо НИЁЗОВА</p> <p>Нашр учун масъул: З. НАЗАРОВ</p> <p>Телефонлар: Қабулхона (71) 233 61 10 Реклама (71) 233 28 95</p>	<p>«Toshkent oqshomi»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқлангани мумкин</p> <p>Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Истиклол, 51</p>	<p>"Niso nashriyot va matbaa uyi" босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани, "Машъал" МФЙ, 1-уй.</p>	<p>2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-001-рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи 563 Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нусха, коғоз бичими А3</p>	<p>Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди</p> <p>Тошпириш вақти 00:55 Тошпирилди 05:00 Бюропта -</p>	<p>SKANER QIL</p>
---	---	--	--	---	--	-------------------